O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 16 январь, шанба • № 5 (11.088) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## АҲОЛИНИ АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ МАДАД БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, унинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда ушбу органларнинг ваколатлари ва масъулиятини кенгайтириш мақсадида, шунингдек муҳтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад кўрсатиш борасида тўпланган ижобий тажрибани эътиборга олиб:

1. 1999 йил 1 мартидан бошлаб аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги чора-тадбирлар билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин:

ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш;

ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига, қарорлар қабул қилиш чоғида ошкораликка, мададнинг аниқ йўналтирилишига риоя этиш ҳамда боқимандаликка йўл қўймаслик, шунингдек ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш асосий шартлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги бюджетларни шакллантириш чоғида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ушбу бандда кўрсатилган тўловларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратиб берилишини кўзда тутсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки фуқароларнинг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ўзини-ўзи бошқариш органлари учун «ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақалар» ва «ёлғиз пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш» махсус илова ҳисоб варақларини очсин.

3. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига коммунал хизмат корхоналари билан биргаликда фуқароларнинг халқ банки муассасалари орқали белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда фойдаланиш сарф-харажатлари ҳамда коммунал хизматларга тўлиқ ва ўз вақтида ҳақ тўлашларини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Коммунал хизмат вазирлиги уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини аҳоли тўлиқ тўлашини таъминлаганлик учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини рағбатлантириш тизимини жорий этиб, бунда қуйидагиларни кўзда тутсинлар:

фойдаланиш сарф-харажатлари ва коммунал хизматлар учун тўловларнинг белгиланган тушумлари 100 фоиз таъминланган тақдирда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ана шу тушумлар суммасининг 20 фоизи ажратилади;

тушумларнинг 75 фоиздан кўпроғи таъминланганда эса фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тушумлар суммасининг 10 фоизи ажратилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ушбу маблағларни уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш учун кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларини рағбатлантириш, шунингдек маҳаллалар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларни ободонлаштириш ишларини ўтказиш учун мақсадли фойдаланишга йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

4. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайрия маблағлари ҳисобидан моддий мададга муҳтож бўлган ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари зиммасига ижтимоий имтиёзларни тайинлаш чоғида ошкоралик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан маблағлар қатъиян аниқ мақсад йўлида фойдаланилиши устидан доимий назоратни таъминлаш вазифаси юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзтелерадио компанияси, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юкланган янги юмушлар ҳамда вазифалар тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида ахборот бериб борсинлар.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 13 январь.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Шу йил 15 январь куни вилоят ҳокимлигининг катта залида биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг X сессияси бўлиб ўтди.***

Сессия ишида вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Депутатлар сессияда «Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 1999 йилги лойиҳаси тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 1999 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларини тасдиқлаш тўғрисида»ги масалаларни кўриб чиқдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят молия бошқармаси бошлиғи Мухтор Қаюмов маърузаси тингланди. У вилоятнинг 1998 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва маҳаллий бюджетининг кутилаётган бажарилиш якунларидан келиб чиқиб ҳамда халқ хўжалиги тармоқларида жорий йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган вилоятнинг 1999 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджетининг асосий йўналишларини баён этди.

Ушбу масалани муҳокама этишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетини шакллантириш, маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш доимий комиссияси раиси, Зангиота тумани ҳокими Ҳасан Нурматов, вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдувоҳид Содиқов, вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Ҳамидулла Аҳмедовлар сўзга чиқдилар.

Вилоят ҳокими У. Мирзақулов вилоятнинг 1999 йилги бюджетининг асосий параметрларини белгилашда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, Аёллар йили муносабати билан белгиланган дастур ва бошқа ижтимоий тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлар экан, ушбу вазифаларни бажаришда барча шаҳар ва туманларда, корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларда ишлаб чиқариш суръатларини ривожлантириш, маҳаллий бюджетларга солиқлар ва тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтирди.

Шундан сўнг депутатлар Тошкент вилоятининг 1999 йилги бюджетини тасдиқладилар.

Сессия халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 1999 йилга мўлжалланган асосий тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги, шу йил 14 январда қабул қилинган «Тошкент вилояти очиқ турдаги бозор ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси «Тошвилбозорсавдо» тизимидаги бозорлар моддий-техника базасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорларини тасдиқладилар.

Сессияда Ҳуснулло Ҳабибуллаевич Мирюнусовни Тошкент вилояти ҳокимлигининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуи масалалари бўйича котибият мудири этиб тайинлаш тўғрисидаги Тошкент вилояти ҳокимининг фармойиши ҳам тасдиқланди.

## ҲАММАГА МАНЗУР

• ЎРТАЧИРЧИҚ туманидаги «Ана текстил КО ЛТД» Ўзбек-Жанубий Корея қўшма корхонаси жамоаси бозор талабини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин кенгайтириб бормоқда. Айни кунларда маҳсулот сифати ҳам тўхтовсиз яхшиланяпти. Бу жиҳатдан у жаҳон мезонлари даражасида бўлиб, энг синчков харидор талабига ҳам тўла жавоб бермоқда. Корхонада, асосан, маҳаллий ёшлар ишлашяпти.

***СУРАТЛАРДА: меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришаётган илғор ишчилар — Аксана Қурбонова (чапдан), Надежда Ли ва Сайёра Жўраеваларни кўриб турибсиз.***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***





*Бу ҳақда Вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди*

## БИЗ ЕРНИ БОҚЯПМИЗ, ЕР ЭСА БИЗНИ...

***ҲА, деҳқон ерни боқса, ер элни, юртни боқади. Президентимиз катта бир йиғинда ҳаммамизга маълум ва машҳур бу халқ мақолини яна бир бор эсимизга солиб қўйганлари бежиз эмас. Тажрибадан аминмизки, ҳар хил баҳоналарни қилмай, ерга меҳр қўйилса, у тўйдириб боқилса, деҳқон ҳеч вақт доғда қолмайди.***

Одам боласидан қиёсда. Тўқ ва кўнгли чоғ одам унча-мунча касалликка изн бермайди. Ер ҳам шунақа. Унинг ҳам «жони», «нафси» бор. Биз ҳамма вақт буни ёдда тутамиз. Экин майдонлари бўшадими, дарҳол ҳар бир даланинг тупроқ ҳолатини ўрганиб, мутахассислар иштирокида таҳлил этиб, ўғитлаймиз, ҳайдаймиз.

Шудгорлаш одатда бизда ноябрь ойидан кечиктирилмайди. Беш йилдан буён сурункасига пахта режасини бажариб келаётганлигимизнинг боиси ҳам шунда, деб ўйлаймиз.

Ўтган йил натижалари ҳам ёмон бўлмади. Асосий экин пахта режасини муддатидан анча илгари, ортиғи билан ўриниладик. Ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Шарофиддин Ҳолбоев, Йўлдош Ўрмонов, Ҳамдамқул Эшбековлар бошлиқ жамоаларда эса гектаридан ўрта ҳисобда 40 центнердан ҳосил олинди.

Бошқа тармоқларда ҳам назаримда анча салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Ғалла режаси бажарилди. Лекин очиғини айтиш керак, ҳосилдорликдан кўнглимиз тўлмади. Ниятимиз бу йил хўжалик бўйича уни 40 центнерга етказиш.

Пиллачиликда ҳам марра эгалланди. 17 ўрнига 19 тонна «кумуш тола» топширдик.

Ҳозирги кунда деҳқонларимизнинг бутун ҳаракати ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаб, янги йилда янги кўрсаткичларга эришишга қаратилган. Пахтачиликдан бошлайлик. Бу соҳада асосий эътибор ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олган бригадаларнинг тажрибаларини оммалаштиришдир. Нав масаласида бу йил ҳам «АН Боёвут» ва «Фарғона-3» навларини экамиз, деб қатъий қарорга келиб қўйдик. Бироқ, уруғларни саралаб экишни унутмаймиз.

Айни пайтда камқувват майдонларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш қизғин давом этмоқда. Об-ҳаво қулай келган кунлардан фойдаланиб, ҳудудимиздаги сув йўлларини баҳорги ишлар бошланишига қадар тахт қилиб қўйиш ҳаракатидамиз. Экин майдонларига яхоб суви бериш ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Боя мен ғаллачиликдаги ишларимиздан кўнглимиз тўлмаганини айтгандим. Ялпи ҳосилни, ҳосилдорликни кўпайтириш учун 740 гектар майдондаги ундириб олинган буғдой майсаларининг пайҳон қилинишига сира ҳам йўл қўймаслигимиз керак. Шу мақсадда зарур тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Аввало, биз ҳар бир хонадонга кириб, экинларни пайҳон қилмаслик тўғрисидаги қарорнинг моҳиятини тушунтирдик. Ғаллани ўзимиз экканмиз. Энг аввало уни ўзимиз қўриқлашимиз керак. Шунда ризқ-рўзимизга барака киради, деб айтдик. Бу соҳадаги ишларда бизга фуқаролар йиғини вакиллари ва маҳалла оқсоқоллари катта ёрдам беряптилар. Навбатчи машинада дала атрофлари назорат қилиб турилибди.

Деҳқонларимизни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Шу кунгача уларга маошлари ҳисобидан 100 тонна ун, 110 тонна буғдой, 60 тоннадан ортиқ пахта ёғи тарқатилди. Бугун-эрта йил сарҳисоби чиқади, деҳқонларимиз олиб келган маошларига қўшимча пул оладилар.

Пахтакорларимиз меҳнатлари роҳатини кўра бошладилар. Қишлоғимизни юз фоиз газлаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу кунга қадар 4 километр юқори ва 3 километр ўрта босимли газ келтирилди. Иккинчи бўлимимиздаги 100 хонадон эрта-индин газдан фойдалана бошлайди. Хўжалигимизнинг 3-, 4-бўлимларида ҳам газлаштириш барвақт ниҳоясига етказилади.

Биз экиш мавсумини пухта тайёргарлик билан бошлаб, бошқа дала ишлари, деҳқончиликка оид тадбирларни ҳам ўз вақтида амалга ошириб, 1999 йилда яна ҳам яхши натижаларга эришиш ниятида меҳнат қилмоқдамиз.

***Хўжаназар ОРЗИҚУЛОВ,***
***Бекобод туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги раиси.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ

***АНГРЕН шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан 1998 йилнинг энг фаол аёли мавзусида танлов эълон қилинган эди.***

1999 йил Президентимиз ташаббуси билан Аёллар йили деб эълон қилингани боис ушбу танловга шу йил бошида якун ясалди. Шаҳардаги 24-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Улфатой Матисроилова танлов ғолиби деб топилди ва шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғаси топширилди.

***Мунаввара ИСОҚУЛОВА.***

### «НИҲОЛТЕХ» ЛИБОСЛАРИ

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманида хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга эътибор кучаймоқда. Шу туфайли ҳам ўтган йили бундай корхоналар сони икки баравар ортди. Уларнинг саккизтаси рўйҳатга олинди.***

Жорий йил арафасида яна бир қўшма корхона ишга туширилди. Олмониялик сармоядорлар билан бирга «Ниҳолтех» қўшма корхонаси рўйҳатга олинди. Унда ҳозирги вақтда анча камчил бўлган ва бозори чаққон трикотаж кийим-кечаклари тўқилади. Корхонада ўрнатилган дастгоҳларни олмонияликлар етказиб бердилар. Бу ерда йигирматадан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

Бундай корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам анча ортди. Йил давомида истеъмол бозорига салкам олтмиш миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

***Собир ҲАМИДОВ.***

### ЁШ ПОСБОНЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

***МАМЛАКАТИМИЗ ҳудудидан ноқонуний равишда маҳсулотларни олиб чиқиб кетишга уринувчиларга эндиликда вилоят «Камолот» жамғармаси ёшлари ҳам тўсиқ қўядиган бўлдилар.***

Жамғарма фаолларининг йиғилишида шундай қарорга келинди. Йигит-қизлардан иборат ёш посбонлар ўзлари истиқомат қилаётган хўжаликларнинг ички йўллари, сўқмоқларида навбатчилик қиладилар. Улар от ёки бошқа уловлар билан таъминланадилар.

Божхона ходимларининг бу мададкорлари чегара йўналишлари ҳисобланган Тошкент, Бекобод туманлари ҳудудларида иш бошлаб юборишди. Бугун-эрта бошқа шаҳар ва туманларда ҳам улар фаоллик кўрсатишга киришадилар.

***Саид ВАЛИЕВ.***

### ҚЎЙНИДАН ТЎКИЛСА, ҚЎНЖИГА

***«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси шаҳардагина эмас, айни вайтда қўшни туманда амалга оширилаётган хайрли тадбирларда фаол қатнашмоқда.***

Чунончи, у Бекобод туманининг Тақачи қишлоғида жойлашган қабристонни ободонлаштириш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишларга муносиб улуш қўшди. Бунинг учун 10 тонна цементни бепул — хайрия сифатида ажратди.

Корхона жамоаси ўз оталиғидаги Навоий номли ширкат хўжалигига ҳам ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан хўжаликнинг қорамолчилик фермасини қишга тайёрлашда кўмаклашди. Бунинг учун 200 дона шифер бепул етказиб берилди. Цементчиларнинг бундай ҳимматидан туман аҳолиси қўйнидан тўкилса, қўнжига экан-да, деб миннатдор бўлмоқда.

***Абдумурод АШУРОВ.***

### НИМА ЕЙСИЗ, БУЮРИНГ

***БЕКОБОД шаҳрида «Боғи шамол» миллий таомлар ошхонаси қуриб, ишга туширилди. У бир йўла 60 хўрандага хизмат кўрсатади.***

ЗАМОНАВИЙ меъморчилик усулида пардоз берилган ушбу шинам бино Сирдарёнинг сўлим соҳилида жойлашганлиги боис баҳор, ёз, куз фаслларида хўрандалар билан гавжум бўлса ажаб эмас. Бу ерда ўрнатилган антиқа ёритгичлар, кишига ҳузур бағишловчи фавворалар янги иншоотга ўзгача гўзаллик, мафтункорлик бахш этган.

Янги ошхонанинг яна бир ўзига хос жиҳати шуки, бу ерда овқатлар олдиндан тайёрлаб қўйилмайди. Хўрандалар келишиб, ўзлари исташган таомларига буюртма берадилар. Моҳир пазандалар эса уни ҳам тез, ҳам мазали қилиб тайёрлаб берадилар.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

